

А Ж Р И М

(Озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида)

2025 йил 23 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Яхёевнинг котиблигида, тарафлардан Яккабоғ туман прокурор ўринбосари У.Жураев, маҳкум Д.Давронов ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Норчаев ҳамда Яккабоғ туман ИИБ Пробацяя гуруҳи катта инспектори А.Туфлиевларнинг иштирокида,

Давронов Достон Дониёр ўғли, 2003 йил 23 июнь куни Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2025 йил 6 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, ЖК 62-моддаси тартибида 1 йил 6 ой 18 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Яккабоғ туман “Мустақиллик” МФЙ, Навоий кўчаси, 178-уйда истиқомат қилувчига

нисбатан Яккабоғ туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Д.Давроновни ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасига асосан 1-1804-2401/139-сонли материални кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Яккабоғ туман ИИБнинг тақдимномасида, Д.Давронов Яккабоғ туман ИИБ Пробацяя гуруҳи томонидан 2025 йил 6 январь куни ҳисобга қўйилган ва у жазони ўташ тартиб-қоидалари билан таништирилиб, жазони ўташи мобайнида унга нисбатан ҳеч қандай танбеҳлар бўлмагани, ўзини ижобий томондан кўрсатиб, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга, шу сабабли Д.Давроновни озодликни чеклаш жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Тақдимномага кўра, маҳкум Д.Давронов озодликни чеклаш жазосининг 6 ой 27 кун ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати 11 ой 21 кунни ташкил этади.

Суд мажлисида маҳкум Д.Давронов, ўзининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бундай жиноий қилмишга келгусида кўл урмаслигини баён қилиб, оилавий шароитини инобатга олиб, ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Яккабоғ туман ИИБ Пробацяя гуруҳи инспектори А.Туфлиев, маҳкум Д.Давронов жазони ўташ тартиб-қоидаларига риоя қилиб, жазо ўташ даврида яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини инобатга олиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш юзасидан келтирилган тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” кичик бандига кўра, шахс *“ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган тақдирда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкин”* деб кўрсатилган.



Суд, тарафларни тинглаб, тақдим қилинган иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, шунингдек Д.Давронов ўрнатилган тартиб-қоида талабларини тўлиқ бажариб келаётгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ижобий тавсифланишини инобатга олиб, мазкур тақдимномани қаноатлантириб, Д.Давроновга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари озод қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 5-қисми кўрсатилган талабларни тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 542, 546¹-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Яккабоғ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум **Давронов Достон Дониёр ўғли**, жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2025 йил 6 январдаги ҳукмига кўра, тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисми, яъни 11 ой 21 кунини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Яккабоғ туман ИИБ бошлиғига юборилсин.

Давронов Достон Дониёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 5-қисмида кўрсатилган талаблар тушунтирилсин.

Ажрим устидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПК 546¹-моддаси тартибида кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) бериши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Н.Абдуллаев

Аслига тўғри:

